

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2005-2
2018 yil 5 dekabr



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУФИ

Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур
бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар,
шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга
кўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги
ПҚ-3968-сон “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга
солиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазиридининг 2017 йил
10 июлдаги 90-сон буйруғи (рўйхат рақами 2905, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон
Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 756-модда) билан
тасдиқланган Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун
зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар,
шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга иловага мувофиқ кўшимча
киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач
кучга киради.

Вазириning биринчи ўринбосари

Б. Юсупалиев

Тошкент ш.,
2018 йил “27” 11,
53-сон



Ўзбекистон Республикаси
соглиқни сақлаш вазирининг
2018 йил 27 ноябрдаги
53-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун
зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа
техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага
энг кам талабларга киритилаётган қўшимча**

1. Куйидаги мазмундаги 30¹-боб билан тўлдирилсин:

“31-боб. Халқ табобати ихтисослиги бўйича

54¹. Маслаҳат, диагностика ва консерватив даволашдан иборат бўлган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;

халқ табобати вакили учун иш столи;

стуллар;

кушетка;

муолажа хонасида стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари ёки стерилизацияни ўтказиш учун имзоланган шартнома (фаолиятида инвазив муолажалар мавжуд бўлганда);

тонометр ва фонендоскоп;

тиббиёт термометри.

54². Маслаҳат, диагностика ва консерватив даволашдан иборат бўлган стационар типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;

халқ табобати вакили учун иш столи;

ҳамширалар пости учун стол;

стуллар;

кушетка;

совутгич (холодильник);

муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари ёки стерилизацияни ўтказиш учун имзоланган шартнома (фаолиятида инвазив муолажалар мавжуд бўлганда);

каравотлар;

тонометр ва фонендоскоп;

тиббиёт термометри.”.



2. Мазкур қўшимча Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси раиси

2018 йил “26” казорға

А. Икрамов

